

“МАЪҚУЛЛА НГАН”

“Бухоро Агрокластер” МЧЖ
иштирокчилари томонидан

“ ___ ” _____ 2021 йилдаги
-сон баённома


М.Ў.

“Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг

2021 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

Бухоро вилоят ҳокимлиги

Идоравий мансублиги

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

info@agroklastar.uz

СТИР

200851795

Ижроия органи раҳбари

Султонов Азамат Акрамович

Бош бухгалтер

Хаётов Зокир Обидович

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

II. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиши) ва молиявий кўрсаткичлар.

2.1 Ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиши)

2.2 Жорий молиявий кўрсаткичлар

2.3 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси

2.4 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

2.5 Харажатлар, таннарх таҳлили

2.6 Даромадлар ва харажатлар сметаси

2.7 Давлат бюджетига тўловлар

2.8 Қарздорликлар

2.9 Қўтилаётган молиявий натижалар ҳисоботи

2.10 Қўтилаётган бухгалтерия баланси ҳисоботи

III. Экспорт ва импорт

IV. Инвестиция лойиҳалари

V. Маҳаллийлаштириш

VI. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VII. Асосий камчилик ва муаммолар

VIII. Таклифлар

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона реквизитлари:

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи – “Бухоро Агрокластер” масъулияти чекланган жамияти, “Бухоро Агрокластер” МЧЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли – масъулияти чекланган жамияти.

Фаолият тури – Ғалла, уруғлар ва хайвонлар учун озукларнинг улгуржи савдоси.

Тармоқ – Давлат ва хўжалик бошқарув органлари таркибига кирмаган хўжалик юритувчи субъектлар.

Юридик манзили – Бухоро вилоят, Вобкент тумани, Беруний кўчаси 34-уй.

Устав капитали – 58 096 294,20 минг сўм.

СТИР – 200 851 795

Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки – АТБ “Агробанк” Бухоро шаҳар бўлими, МФО: 00089; х/р: 20 210 000 900 578 884 001,

Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

“БУХОРО АГРОКЛАСТЕР” МЧЖ

Бош директор – Султонов Азамат Акрамович
(2019 йил 11 июльдан буён ишлаб келмоқда)

I. Умумий маълумот

“Бухоро Агрокластер” МЧЖ 2019 йилда тузилган.

Фаолият тури: : давлат ҳокимияти ва бошқарувининг вилоят идоралари фаолияти (пахтачилик).

Ходимлар сони: 58 нафар.

Устав капитали: 58 096 294,20 минг сўм;

- давлат улуши – 99,31 %;

- бошқалар : – 0,69 %.

Маъмурий бино (кв.м.): мавжуд эмас (ижара)

Умумий ер майдони (га): мавжуд эмас

Ишлаб чиқариш майдони: мавжуд эмас.

Бўш турган объектлари: мавжуд эмас.

Сотиладиган давлат улуши: 0

II. Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил	2021 йил
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	млн.сўм	1 078 065,0	1 724 904,0
Сотилган маҳсулотларнинг таннари	млн.сўм		
Давр харажатлари, жами	млн.сўм	68 545	221221
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	млн.сўм	82 737,0	94 121,0

“Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг фаолият тури: пахта хомашёси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг илғор илмий ютуқлари, замонавий ва самарали усуллари жорий қилиш;

пахта хомашёсига бирламчи ишлов беришнинг самарали ва юқори рентабелли усуллари, шунингдек, чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш;

пахта чигити ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини давлат ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;

пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига илғор агротехник ҳамда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

тўғридан-тўғри, шу жумладан хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

етиштириладиган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ҳамда миқдорини ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

илмий ва таълим муассасалари билан биргаликда селекция ҳамда уруғчилик соҳасида тадқиқотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагайларини, шунингдек, пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлаш технологияларини яратиш ҳамда воситачилик ҳақи орқали даромад олишдир.

“Бухоро Агрокластер” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолияти пахта хомашёси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг илғор илмий ютуқлари, замонавий ва самарали усуллари жорий қилиш. Жамият монопол ҳолатда фаолият кўрсатувчи ҳисобланиши туфайли ушбу хўжалик субъекти фаолияти давлат томонидан тартибга солинади.

“Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг 2021 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш режа жадвали 1-иловага мувофиқ илова қилинади.

II. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар

“Бухоро Агркластер” МЧЖнинг 2021 йил учун молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси 2-жадвал илова қилинади.

Соф фойдани тақсимлаш 3-жадвал илова қилинади.

III. Иш хақи тўлаш тизими (4-жадвал илова қилинади.)

Корхона томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот 5-жадвал илова қилинади.

6.2.1 Давлат бюджетига тўловлар (6-жадвал илова қилинади)

Ушбу бўлимда корхонанинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни, солиқ юки, давлат бюджетига асосий тўловлар таркиби, солиқ тўловлари бўйича қарздорлик, улар бўйича жарима ва пенялар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Бундан ташқари, корхонага берилган солиқ имтиёзлари, уларнинг миқдори, муддати, асослари, мақсади, имтиёзлар натижасида жамият ихтиёрида қолдирилган маблағларни сарфлашнинг йўналишлари кўрсатилади.

Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар (7-жадвал илова қилинади)

IV. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

Ушбу бўлимда корхонанинг самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) тўғрисидаги, СМКнинг прогноз кўрсаткичлари, унинг бажарилиши, ҳисобат тартиби, нормалари кўрсатилади.

Корхона ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари

Ушу бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низом талабларидан келиб чиқиб, корхона ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари режаси белгиланади.

Корхонанинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун иккита кўрсаткич гуруҳидан фойдаланилади, булар асосий ва қўшимча СМК кўрсаткичларидир.

**Асосий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари режаси
(8-жадвал илова қилинади)**

(Прогноз основных ключевых показателей эффективности)

**Қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари режаси
(9-жадвал илова қилинади)**

(Прогноз дополнительных ключевых показателей эффективности)

**Асосий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг салмоқ ўлчови
режаси (10-жадвал илова қилинади)**

(Прогноз удельного веса основных ключевых показателей эффективности)

**Қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг салмоқ ўлчови
режаси (11-жадвал илова қилинади)**

*(Прогноз удельного веса дополнительных ключевых показателей
эффективности)*

V. Экспорт ва импорт

Корхонанинг экспорт салоҳияти, режаси, динамикаси, экспорт географияси, асосий экспорт қилинадиган маҳсулотлар номенклатураси, экспортдан тушум, нарх ва нархлар прогнози, маҳсулотни ташиш йўллари, ташиш, сотиш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар ёритилиши лозим.

**“Бухоро Агрокластер” МЧЖнинг 2021 йил учун маҳсулот (хизмат)
экспорти прогнози кўрсаткичи (12-жадвал илова қилинади)**

**Корхона томонидан харид қилинадиган импорт товарлар (ишлар,
хизматлар) тўғрисида маълумот (13-жадвал илова қилинади)**